

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК: 339.138(575.1)

ПАРДАЕВ ШЕРЗОД ХОЛМУРОДОВИЧ

ТОВАР-МОДДИЙ РЕСУРСЛАР ҲАРАКАТИНИ МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ихтисослик: 08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: М.А.Икрамов
Иқтисод фанлари доктори, профессор

Тошкент - 2022

Мундарижа

КИРИШ	3
I-БОБ. ТОВАР-МОДДИЙ РЕСУРСЛАР ҲАРАКАТИНИ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ АСОСИДА ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	14
1.1. Товар-моддий ресурслар ҳаракатини бошқаришда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти ва хусусиятлари.....	14
1.2. Товар-моддий ресурслар ҳаракати ва маркетинг логистикасининг замонавий ёндашувлари	25
1.3. Товар ҳаракати маркетинг тадқиқотларини амалга оширишга қўйиладиган талаблар ва уларнинг таснифий белгилари	44
I-боб бўйича хулоса.....	54
II-БОБ. ТОВАР БОЗОРИ КОНЪЮНКТУРАСИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	56
2.1. Товар-моддий ресурслар ҳаракати ва унинг самарадорлигини оширишдаги хорижий тажрибалар таҳлили.....	56
2.2. Самарқанд вилояти ҳудудий товар бозорида товар-моддий ресурслар ҳаракатининг ҳолати ва тенденциялари	64
2.3. Самарқанд вилоятининг логистик салоҳиятини маркетинг тадқиқотлари асосида баҳолаш.....	72
2.4. Самарқанд вилоятининг товар-моддий ресурслар ҳаракатининг прогноз кўрсаткичлари таҳлили	89
II-боб бўйича хулоса	54100
III-БОБ. ТОВАР-МОДДИЙ РЕСУРСЛАР ҲАРАКАТИНИ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	104
3.1. Товар ҳаракати тизимида “таъминотчи-дистрибьютор-савдо” занжирини такомиллаштириш модели	104
3.2. Товар-моддий ресурслар ҳаракатидаги логистик рисклар ва уларни баҳолаш	124
3.3. Товар ҳаракати тизимини оптималлаштиришни моделлаштириш	135
III-боб бўйича хулоса.....	144
Хулоса	146
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	148
Иловалар	

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хорижий ривожланган мамлакатларда товар-моддий ресурслар(ТМР) ҳаракати жуда мураккаб кўп каналли, турли бозор сегментларини ягона ахборот муҳитида ўзида барча логистик хизматлар мужассамлаштирган тизим ва бўғинларга асосланган. Масалан, «Германияда логистик хизматлар ва ТМР ҳаракатини бошқаришда 2,5 миллион киши банд, йиллик 170 миллиард еврога тенг айланмага эга. Буюк Британияда эса мос равишда 55 миллиард фунт айланмага эга бўлиб, бунда 1,7 миллион киши 65 мингдан ортиқ корхоналарда ишлайди»¹. Шу сабабли ҳам товар-моддий ресурслар ҳаракатини тадқиқ қилишнинг илмий-назарий ва методологик масалалари, логистик стратегиялардан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар кенг миқёсда амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида транспорт логистик хизматларнинг умумий ҳажми 120 миллион АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда, унинг таркибида товар-моддий ресурсларни сақлаш, ташиш ва омборларга жойлаштириш хизматларнинг улуши 6-7 фоизни ташкил этади. Ташиш-сақлаш ва омборларга жойлаш саноатининг жадал ривожланиши кузатилиб, 2022 йилнинг 9 ойлик даврида ўсиш суръати 24,7% ни ташкил этди. 2020 йилдаги пандемия туфайли кузатилган инкирозли вазиятларга қарамай, ушбу хизматлар ҳажми 2019 йилга нисбатан 28% га, 2021 йилда 32% га ўсиши қайд этилди. Ҳозирги вақтда бозорнинг ўсиш суръатлари йилига ўртача 5-7% оралиғида қайд этилмоқда². Айниқса бугунги ташиш-сақлаш ва омборларга жойлаш билан шуғулланётган кунда кичик бизнес субъектлари фаолиятида товар-моддий ресурслар ҳаракатини йўлга қўйишда ҳукукий, ахборот, молиявий, маркетинг, реклама, логистика, транспорт, сақлаш, кадоклаш, дистрибуция ва бошқа хизмат турларидан фойдаланиш сезиларли харажатларни талаб қилиши, тақсимот каналларини шакллантиришга оид ёндашув ва

¹ Nestler S., Logistics Centres in Germany - experiences and tendencies, Deutsche GVZ-Gesellschaft mbH, Bremen/Dresden. Prezentacja dla POLLOCO 2013.

² <http://www.stat.uz>–Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

услугиятнинг чекланганлиги товар ҳаракатини мақбуллаштириш ва замонавий логистик бошқарув усуллари қўллаш борасида тизимли илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодчи олимлар савдо хизматларини жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ташиш-сақлаш ва омборларга жойлаштириш, дистрибуция тармоқларида товар ҳаракатини самарали ташкил этиш, моддий оқимларни бошқаришда маркетинг ва логистик бошқарувнинг илғор усуллари қўллашни кўрсатмоқда. Айниқса, “Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мақомида миллий ва трансчегаравий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш”³ ҳамда ўзаро савдо ва логистика муносабатларини ривожлантириш, товар айирбошлаш, товар ҳаракати тизимини қиймат яратишнинг муҳим занжири сифатида рақобат устунлиги омилига айлантириш, мулти-ва омни-каналли тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда бу борада туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурлиги, маҳсулотларни ташиш-сақлаш ва омборларга жойлаштириш хизматлари кўрсатиш соҳасида товар ҳаракатини оқилона ташкил этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва замонавий ёндашувлар логистик сервисга принципларга асосланган ихтисослашган логистик операторларнинг пайдо бўлишини рағбатлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони, 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2520-сонли, 2020 йил 1

³ Ш.М.Мирзиёев. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик. 2022 йил 12 сентябр. <https://uza.uz/>